



2021 йил 30 апрель

№ 2

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи: А. В. Шин – Мактабгача таълим вазири

Иштирок этдилар: А. К. Қирғизбоев – Вазирлар Маҳкамасининг Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш масалалари департаменти мудири; Ҳайъат аъзолари, вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва масъул ходимлари; Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача таълим вазири, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари бошлиқлари, тасарруфдаги республика ташкилотлари раҳбарлари, туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлими мудирлари ҳамда тегишли масъул ходимлар (рўйхат бўйича).

Мактабгача таълим тизимида 2021 йил I чорак давомида амалга оширилган ишлар самарадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар тўғрисида.

(Шин, Қирғизбоев, Олимов, ... Шин)

I. Мактабгача таълим ташкилотларида давлат тилини ўқитиши тизимини янада такомиллаштириш ҳамда маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати.

Мамлакатимизда келажагимиз бўлган ёш авлодни ҳар томонлама комил ва баркамол инсон қилиб тарбиялаш масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналиши сифатида қараб келинади.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 33 фоизини 30 ёшгacha бўлган ёшлар ташкил қилмоқда. Ёшларнинг жамиятимизда қандай ўрин олиши давлатимизнинг эртанги тараққиёти билан бевосита боғлиқдир.

Таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, ёшларимизнинг жаҳон андозалари даражасида замонавий билим ва қасб-хунарларни эгаллаши, жисмонан ва маънан етук инсонлар бўлиб

улғайиши, уларнинг қобилият ва истеъодини, интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, ёш авлод қалбида Ватанга садоқат ва фидойилик туйғуларини юксалтириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Мактабгача таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, мактабгача таълим муассасалари давлат ва нодавлат тармоғини кенгайтириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, мактабгача таълим муассасаларига болаларни қамраб олишни кескин ошириш, таълим-тарбия жараёнларига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш орқали болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик, жисмоний ривожлантириш ҳамда уларни мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича охирги тўрт йилда қатор ислоҳотлар амалга оширилди ва бу йўналишда ишлар давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг тегишли департаментлари раҳбар ва мутахассислари билан биргаликда ташкил этилган ишчи гуруҳлари томонидан ҳудудларда ўрганишлар олиб борилди.

Ўрганишлар давомида мактабгача таълим соҳани ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ижобий ишларга қарамасдан мактабгача таълим ташкилотларида мавжуд қатор камчиликлар кўзга ташланмоқда.

Жумладан, тизимдаги баъзи мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарларининг Ўзбекистон Республикасининг “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Конуни ва унинг мазмун-моҳияти бўйича етарли билимга эга эмаслиги ачинарли ҳолатdir.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида Нукус шаҳридаги 48-сон, Тўрткўл туманидаги 6-сон, Амударё туманидаги 8-сон мактабгача таълим ташкилотларида маънавий-маърифий масалалар бўйича умуман тушунча шаклланмаган, маънавий-марифий ишлар бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар бўйича маълумотга эга эмас, ташкилотнинг ташқи ва ички деворий лавҳаларида миллийлик мавжуд эмас ҳамда деворий расмлардаги рус эртаклари ёки хорижий мультфильм қаҳрамонларига болаларни жалб қилишнинг замонавий усулида сифатида қараб келинмоқда.

Хоразм вилоятида мактабгача таълим тизимида олий маълумотли педагог кадрларни жалб этиш бўйича зарур чоралар кўрилмаган. Олий маълумотли педагог кадрлар билан таъминланганлик даражаси Хива шаҳрида 21 %, Хива туманида 15% ва Бофот туманида 14% ни ташкил этмоқда.

Шу каби Олий маълумотли педагог кадрлар билан таъминланганлик даражаси Фарғона вилояти Сўх туманида 6,5 %, Тошлоқ туманида 8 % ва Ёзёвон туманида 16%ни ташкил этади.

Шунингдек, мактабгача таълим ташкилоти директори сифатида ўрта-маҳсус маълумотли кадрлар фаолият юритиб келаётган ҳолатлар ҳам мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги “Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6199-сон фармони асосида Вазирлар Маҳкамасида Давлат тилини ривожлантириш департаменти Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш масалалари департаменти этиб қайта ташкил этилиб, департаментга ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш вазифаси билан биргаликда маънавий-марифий ишлар тизимини самарадорлигини ошириш ва тубдан такомиллаштириш бўйича вазифалар юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон Фармонига мувофиқ 2021 йил 1 апрелдан бошлаб ўзбек тили ва адабиёти бўйича билимни баҳолашнинг миллий тест тизими асосида раҳбар кадрларнинг давлат тилида расмий иш юритиш даражасини аниқлаш йўлга қўйилди.

Мактабгача таълим тизимида давлат тили имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишни йўлга қўйиш, таълим ташкилотларида давлат тилини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, бошқа тилда сўзлашувчиларга давлат тилини ўрганиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш, миллий давлатчилигимиз тарихи, буюк аждодларимизнинг бой маънавий меросини ёш авлодга етказиш каби устувор вазифаларни амалга ошириш лозим.

II. Мактабгача таълим тизимида 2021 йил I чорак давомида амалга оширилган ишлар самарадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшлиарни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини мактабгача таълим тизимида таъминлаш бўйича тегишли ишлар олиб борилмоқда.

2021 йил 1-чорак якунига кўра Республикада мактабгача таълим ташкилотлари сони 18 254 тага етказилди, уларнинг 6 197 таси давлат ва 12 057 таси нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари (788 та хусусий, 10 244 та оиласиб ва 1 025 та давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари)ни ташкил этади.

Республикада мавжуд 2,7 млн. мактабгача ёшдаги болаларнинг 1 699 566 нафари (60,9 %) мактабгача таълим билан қамраб олинишига эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги “2021-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб

чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбилари тўғрисида”ги ПҚ-4936-сон қарорига асосан 2021 йилда жами 38 205 қуваат (ўрин)ли 225 та мактабгача таълим ташкилотлари обьектларини қуриш ва реконструкция қилиш, шундан, 22 таси янгидан қуриладиган ва 203 таси реконструкция қилиниши режалаштирилган бўлиб, ушбу ишлар учун жами 900,0 млрд.сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган.

Мазкур тадбирларни амалга ошириш натижасида жами 38 205 қувват (ўрин)га эга бўлган 225 та мактабгача таълим ташкилотлари янгидан замонавий барпо этилиб, қўшимча 13 590 та ўрин (куват) яратилиши белгиланган, шундан 2 970 та ўрин 22 та обьектни янгидан қуриш ҳисобига, 6 775 ўрин 52 та бўш турган биноларни реконструкция қилиш ҳисобига ҳамда 3 845 та ўрин 151 та фаолият кўрсатаётган МТТлар қувватларини кенгайтириш ҳисобига яратилади.

Тасдиқланган манзилли дастурга мувофиқ, 225 та обьектдан 41 та обьект олдинги йилдан ўтувчи ва 184 таси янгидан бошланувчи обьектлар ҳисобланиб, бугунги кунда қўйидаги ишлар амалга оширилди:

41 та йилдан йилга ўтувчи обьектлар бўйича белгиланган тартибда буюртмачи ташкилот ва пудрат корхоналари ўртасида қўшимча пудрат шартномалари имзоланиб, буюртмачи томонидан жами 21 095,0 млн. сўм маблағлар молиялаштирилиб берилди.

184 та янгидан бошланувчи лойиҳаларнинг барчасида бош лойиҳа ташкилотлари ўрнатилган тартибда танлаб олиниб, ҳозирда 182 та обьектнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган ҳамда белгиланган тартибда Курилиш вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги Лойиҳаларни комплекс марказининг дастлабки ва ижобий хulosалари олинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 февралдаги “Курилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 55-сон қарорига асосан пудрат ташкилотларини аниқлаш бўйича тендер савдоларини ўтказиш мақсадида, давлат харидлари электрон порталига 159 та обьект эълонга жойлаштириб 85 та обьектнинг ғолиб пудрат ташкилотлари аниқланди.

Қолган 2 та обьектнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, хulosा олиш учун экспертизага топширилмоқда.

Мактабгача таълим тизимида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун замонавий шарт-шароитларни яратиш бўйича давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳар бир мактабгача таълим ташкилотини 2 млн. сўмлик бирламчи спорт жиҳозлари ва анжомлари билан таъминлаш мақсадида 6 197 та мактабгача таълим ташкилотининг ҳудудлар кесимида манзилли рўйхати шакллантирилди.

Шунингдек, болаларни мактабгача таълим билан қамраб олишнинг муқобил шаклларини жорий этиш юзасидан қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Жумладан, “Ақлвой” лойиҳаси доирасида республикадаги мактабгача таълим ташкилотлари мавжуд бўлмаган ҳамда қамров кўрсаткичлари паст бўлган ҳудудларда 4,7 мингдан ортиқ болаларни қамраб олишга мўлжалланган 49 та Исузу автобуслари сотиб олинди. Бугунги кунда уларни жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Уларнинг негизида 294 та гурухларни шакллантириш ҳамда Республика бўйича 98 та МФЙ ҳудудларида маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан болалар майдончаларининг қурилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Шунингдек, БМТнинг Халқаро болалар фонди ЮНИСЕФ ташкилоти билан ҳамкорликда мактабгача таълимнинг “Турли хил ёшдаги мактабгача таълим гурухлари” (ўйин гурухлари) муқобил шаклини ташкил этиш мақсадида Наманган вилояти Тўракўрғон туманидаги Иқтисодиёт ва сервис касб-хунар коллежи, Косонсой ва Чуст туманларидағи Педагогика коллажларида 1 тадан бўш хоналар, Норин туманидаги Сойбўйи МФЙ биносининг бўш хонаси, шунингдек Хоразм вилояти Богот тумани Янгиқарам МФЙ биносининг бўш хонаси, Кўшкўпир туманидаги 26, 27 ва 52-сонли умумий ўрта таълим мактабларининг синф хоналари керакли жиҳозлар билан таъминланди.

Жаҳон банки билан ҳамкорликда 7 ёшгача бўлган алоҳида таълимга эҳтиёжи мавжуд, жумладан талаффузида нуқсони бўлган болалар учун “Уйга ташриф” мактабгача таълимнинг муқобил шаклини тажриба-синов тариқасида жорий қилиш мақсадида Самарқанд вилоятининг Тойлок туманидаги Кўрғонча МФЙ ва Наманган вилоятининг Косонсой тумани Гулобод МФЙдаги Педагогика коллажлари танлаб олинди. Мазкур ҳудудларда ушбу мактабгача таълимнинг муқобил шакли “Илк ривожланиш марказ”лари негизида ташкил этилиши белгиланган.

Давлат хусусий-шериклик асосида нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини фаолиятини кенгайтириш борасида 2021 йилнинг биринчи чораги давомида 1 500 қувватга эга 15 та ДХШ асосидаги НМТТ лар ҳамда 5 000 қувватга эга 200 та оиласиб шаклдаги НМТТлар ташкил этилишига эришилди. Мазкур НМТТларда 570 та янги иш ўринлари яратилди.

Нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари тармогини ривожлантириш мақсадида оиласиб боғчалар ҳамда давлат-хусусий шериклик учун 152,2 млрд. сўм миқдорида субсидия ажратилди.

З 149 та болаларни бошлангич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлов гурухлари, 10 285 та тўлиқ кунлик тайёрлов гурухлари ва 7 342 та қисқа муддатли тайёрлов гурухларини ташкил этиш орқали 6 ёшли болаларнинг 77 фоизи қамраб олинди.

Мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифатини ошириш, инновацион технологияларни жорий этиш мақсадида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

А.И.Герцен номидаги Россия давлат педагогика университети Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизими сифатини оширишга қаратилган “Миттивой” номли лойиҳа дастури ишлаб чиқилмоқда.

“Hashar Week” номли ижтимоий лойиҳаси дирасида “Чиқиндиларни қизиқарли саралаш” номли экологик таълим лойиҳаси мактабгача таълим ташкилотларида тажриба-синов тарзида жорий этилди.

Жанубий Кореяning робот саноатини ривожлантириш институти (KIRIA), Корея ўқитувчилар уюшмаси, шунингдек, FRG Korea, Dazzle Edu, Genie Robot ва SK Telecom компаниялари билан ҳамкорликда мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларида алгоритмик фикрлашни ривожлантириш бўйича лойиҳа жорий этилди. Лойиҳанинг пилот босқичи учун 275 та робот ва 350 та ўқув қўлланмалари тақдим этилди. 12 вилоят, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасида жами 55 та боғча танланиб, уларга 5 тадан робот тақсимланди.

Пилот босқичида иштирок этаётган боғчалар педагоглари учун роботлар билан ишлаш бўйича ўқув семинарлар ташкил этилди.

Шунингдек, мактабгача таълим ёшдаги болаларда мусиқий ривожланиши рағбатлантириш, уларга мусиқий дидни сингдириш ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш мақсадида илк маротаба мусиқа дарсларида, логоритмика ва бошқа дарслар ва тадбсрларда фойдаланиладган замонавий болалар қўшиқлари тўплами ишлаб чиқилиб барча мактабгача таълим ташкилотларига етказилди. Барча қўшиқлар ўзбек ва рус тилларида тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 27 августдаги 518-сон қарори асосида Мактабгача таълим вазирлиги қошидаги «Ахборот ва педагогика технологиялари инновацион маркази» МЧЖ таъсислигида тест режимида 2021 йилнинг 22 март санасидан “Ақлвой” болалар таълим-кўнгилочар телеканалининг фаолияти йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, «Болалар боғчаси» мактабгача таълимни бошқариш ахборот тизимида Мактабгача таълим ташкилоти ходимларини ҳисобини юритиш ва мониторинг қилиш ҳамда болаларнинг давомати ва саломатлигини онлайн мониторинг қилиш тизими жорий қилинди, шунингдек, давлат мактабгача таълим ташкилотларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўловини онлайн амалга ошириш учун биллинг тизими асосида Click, Payme, Zumrad тўлов тизимлари орқали тўловларни амалга ошириш йўлга қўйилди.

Мактабгача таълим тизимида 2021 йилнинг 1-ярим йиллигида амалга оширилиши лозим бўлган қатор вазифалар мавжуд:

– 515 минг нафар 6 ёшли болаларни ёки уларнинг 78 фоизини мактабгача таълим билан қамраб олиш чораларини кўриш;

– 3-7 ёшли болаларнинг мактабгача таълимга қамровини 61 фоизга етказиш чораларини кўриш;

– Боланинг илк ривожланишига хизмат қиладиган мактабгача таълимнинг муқобил шаклларини янада кенгайтириш;

– 2018-2020 йилларда молиялаштирилиб, фаолияти йўлга қўйилмаган давлат-хусусий шериклик лойиҳаларни ишга тушириш чораларини кўриш;

– давлат мактабгача таълим ташкилотларида олий маълумотли педагог кадрлар улушкини ошириш;

– мактабгача таълим ташкилотларининг тарбияланувчиларига инглиз тилини ўргатиш бўйича тажриба лойиҳасини ишга тушириш;

– “Йилнинг энг яхши тарбиячиси – 2021” касбий кўрик-танловини ташкил этиш;

– давлат мактабгача таълим ташкилотларида аутсорсинг усулида овқатлантиришни босқичма-босқич ташкил этиш;

– Мактабгача таълим тизимида 2021 йилга мўлжалланган инвестиция дастури доирасида қурилиш-таъмирлаш ишларини жадаллаштириш, 2020 йилги Инвестиция дастуридан 2021 йилга ўтган барча лойиҳаларнинг фойдаланишга топшириш чораларини кўриш керак.

Шунингдек, мазкур соҳадаги ислоҳотларни тизимга татбиқ этиш мақсадида бир қатор норматив-хуқуқий хужжатларни такомиллаштириш лозим:

– тажриба-синов натижаларидан келиб чиқсан ҳолда Мактабгача таълим ташкилоти педагогининг касбий стандарти тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини такомиллаштириш;

– Вазирлар Маҳкамасининг “Мобиль гурӯҳлар базасида мактабгача таълим хизматларини кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

– Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 майдаги “Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 391-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

– Вазирлар Маҳкамасининг “Оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасалари ҳамда оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолияти бўйича рухсатнома бериш тартиби тўғрисида низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 30 июлдаги 595-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

Мактабгача таълим тизимида 2021 йил I чорак давомида амалга оширилган ишлар таҳлилидан келиб чиқсан ҳолда 2021 йил 1-ярим йилликда амалга ошириладиган мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга

қаратилган вазифалар ижросини тўлиқ, ўз вақтида ва самарали ташкил қилиш ва амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Ҳайъат йигилиши қарор қиласиди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш масалалари департаменти мудири А. К. Қирғизбоевнинг “Мактабгача таълим ташкилотларида давлат тилини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати” тўғрисидаги ахбороти **раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин**.

Мактабгача таълим вазири А.В.Шиннинг “Мактабгача таълим тизимида 2021 йил I чорак давомида амалга оширилган ишлар самарадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар тўғрисида”ги ахбороти **раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин**.

2. Қуйидаги мактабгача таълим тизими раҳбарларига **огоҳлантириш берилсин**:

мактабгача таълим ташкилотларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни ташкил этишда масъулиятсизликка йўл қўйганликлари учун Нукус шахри, Тўрткўл ва Амударё туманлари мактабгача таълим бўлимлари мудирларига;

соҳага олий маълумотли педагог кадрларни жалб этишда сусткашликка йўл қўйганлиги учун Хоразм вилояти Хива шаҳар, Хива ва Боғот туманлари ҳамда Фарғона вилояти Сўҳ, Тошлоқ ва Ёзёвон туманлари мактабгача таълим бўними мудирларига.

3. Вазирнинг маънавий-маърифий ишлар ва давлат тили бўйича маслаҳатчиси (К.Рискулова):

хар ойда сайланма тарзида худудлардаги мактабгача таълим ташкилотларида маънавий-маърифий ишларнинг ташкил этилганини ҳамда давлат тилида иш юритилиш ҳолатларини ўрганиб борсин ва ўрганиш натижаларини вазирлик раҳбариятига киритсин;

хар ой якунида Мактабгача таълим вазирлиги тизимида маънавий-маърифий ишларнинг янги тизимини яратиш бўйича ишлаб чиқилган “Йўл ҳаритаси” доирасида амалга оширилган ишлар юзасидан Республика Маънавият ва маърифат кенгашига ахборот киртиб борсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача таълим вазири, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоят мактабгача таълим бошқармалари бошликларига:

барча мактабгача таълим ташкилотлари худудидаги ташки ёзув, эълон ҳамда маълумотларни лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида бўлишини таъминлаш;

нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш бўйича тадбиркорларга ташкилотнинг номланиши бўйича доимий тавсиялар бериб бориш, уларда таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишда методик ёрдам бериш;

барча турдаги мактабгача таълим ташкилотларининг ташқи ва ички деворий лавҳаларида миллийликни акс эттириш, бунда ўзбек халқ эртаклари, буюк аждодларимиз сиймолари ва тарихий халқ қаҳрамонларидан фойдаланиш каби чораларини кўриш вазифаси юклатилсин.

5. Кадрлар бошқармаси (Б.Мадрахимов) **икки ой муддатда** тизимдаги барча давлат мактабгача таълим ташкилотлари директорларининг тасдиқланган малака талабларига мос келишини ўрганиб чиқсин ва асосланган таклиф киритсин.

6. Педагог кадрлар сифатини ошириш ва педагогика коллажлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси (Ш.Камолов) **икки ой муддатда** тажриба-синов натижаларидан келиб чиқсан ҳолда Мактабгача таълим ташкилоти педагогининг касбий стандарти тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини такомиллаштирун, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Давлат-хусусий шерикчилик асосидаги мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш бошқармаси (А.Хакимов) **бир ҳафта муддатда** Вазирлар Маҳкамасининг “Оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасалари ҳамда Оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолияти бўйича рухсатнома бериш тартиби тўғрисида низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 30 июлдаги 595-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси таклиф киритсин.

8. Молиявий-иктисодий ривожлантиришни режалаштириш бошқармаси (Ш.Пардаев) ва Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи бошқармаси (Р.Зулфиқоров) **ҳар чоракда** мактабгача таълим тизимида бюджет тизими шаффоғлигини таъминлаш мақсадида бюджет ва бюджетдан ташқари манбалар бўйича амалга оширилган харажатлар ҳисботини тайёрласин ва вазирликнинг веб-сайтига жойлаштириш чораларини кўрсинг.

9. “Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжинииринг компанияси” ДУК (К.Хадиев)га:

бир ҳафта муддатда Тошкент шахри ва Тошкент вилоятларидаги 2021 йил Инвестиция дастурига киритилган объектларнинг лойиҳа-смета хужжатларини якунига етказиб, экспертизадан ўтказилишини ҳамда ўн беш кун муддатда тендер савдоларига эълон берилишини якунлаш;

жорий йил 15 августга қадар 2021 йил Инвестиция дастури доирасида янги қуриладиган ва реконструкция қилинадиган мактабгача таълим ташкилотларини фойдаланишга топшириш юзасидан тегишли чораларни кўриш;

хар ҳафта якуни билан вазирликка Инвестиция дастури ижроси юзасидан таҳлилий маълумотларни киритиб бориш вазифалари юклатилсин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача таълим вазири, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоят мактабгача таълим бошқармалари бошлиқларига:

бир ҳафта муддатда 3-7 ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан камраб олиш бўйича 2021 йилнинг 1-ярим йиллигида белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш бўйича кафолат хатларини Мактабгача таълим соҳаси сиёсатини шакллантириш ва стратегик ривожлантириш бош бошқармаси (Е.Тен)га тақдим этиш;

мактабгача таълим ташкилотларини олий маълумотли педагог кадрлар билан таъминлаш бўйича зарур чораларни кўриш;

болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлов турухлари бўйича маълумотларни Мактабгача таълимни бошқариш ахборот тизимиға киритиши ва маълумотларнинг янгилаб борилишини таъминлаш;

2018-2020 йиллар давомида тўлиқ молиялаштирилиб, фаолияти йўлга қўйилмаган давлат-хусусий шериклик лойиҳаларни битимда белгиланган муддатларда ишга туширилишини таъминлаш ва бу борада жойлардаги масъул раҳбарларнинг жавобгарлигини ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 12 апрелдаги ПҚ-5071-сон қарори асосида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимларни молиялаштириш учун кредитлар давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимларда назарда тутилган, хусусий шерикнинг ўз маблағлари ҳисобидан бажарилиши (сотиб олиниши) лозим бўлган ишлар (товарлар) тўлиқ амалга оширилганидан сўнг, тижорат банклари томонидан молиялаштирилиши бўйича тадбиркорлар ўртасида тушунтириш ишларини ташкил этиш;

жорий йилнинг 25 августига қадар манзилли рўйхати шакллантирилган 6 197 та давлат мактабгача таълим ташкилотини 2 млн. сўмлик бирламчи спорт жиҳозлари ва анжомлари билан таъминлаш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича зарур чораларни кўриш вазифалари юклатилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 апрелдаги “**2021 йил учун давлат мактабгача таълим ташкилотларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўлови миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида**”ги 256-сон қарори ҳамда қарор билан 2021 йил 1 майдан болалар таъминоти учун ота-оналар тўлови миқдорларига ўзгартириш киритилганлиги **маълумот учун қабул қилинсин.**

12. Молиявий-иқтисодий ривожланишни режалаштириш бошқармаси (Ш.Пардаев) ҳудудларга давлат мактабгача таълим ташкилотларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўловлари тўланишида Мактабгача таълим муассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ тўлаш

тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2821, 2016 йил 23 август) мувофиқ услубий ёрдам бериб борсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача таълим вазири, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоят мактабгача таълим бошқармалари бошлиқларига:

бир кун муддатда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 апрелдаги “2021 йил учун давлат мактабгача таълим ташкилотларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўлови миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 256-сон қарорини тизимдаги барча ташкилотларга етказилишини таъминлаш;

уч кун муддатда 2021 йил учун давлат мактабгача таълим ташкилотларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўлови миқдорларини тизимдаги барча давлат мактабгача таълим ташкилотларининг ҳамма кўриши мумкин бўлган жойларига аниқ кўйилишини таъминлаш;

2021 йил учун давлат мактабгача таълим ташкилотларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўлови миқдорлари тўғрисида жойларда тушунтириш ишларини ташкил этиш чораларини кўриш вазифалари юклатилсин.

“Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросининг Жиззах вилояти мактабгача таълим бошқармаси ва унинг тизимида ташкилотларида ўрганиш натижалари. Мактабгача таълим тизимида коррупцияга қарши курашиб ва уни олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати.

(Шин, Олимов, Норматов, Буриев, ... Шин)

Мактабгача таълим вазирлиги ишчи гурӯҳи томонидан Жиззах вилояти мактабгача таълим бошқармаси, туман (шаҳар) бўлимлари, мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти ўрганилганда бир қатор камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланган, жумладан:

Жиззах вилояти мактабгача таълим бошқармаси ва мактабгача таълим бўлимлари томонидан бошқарув тизимининг самарали йўлга қўйилмаган.

Жиззах вилоят мактабгача таълим бошқармаси ҳамда туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимларининг хеч бири ўзининг маъмурий биноларига эга эмас. Улар турли хусусий ва бошқа корхоналарда ижара асосида фаолият юритиб келмоқда.

Вилоят бошқармасида молиявий қонунбузилишларга йўл қўйилганлиги учун бош хисобчи жиноятда айбдор деб топилсада бошқарма бошлиғи томонидан хеч қандай чора кўрилмасдан ишлашда давом этиб келган.

Мехнат қонунчилигининг қўпол равишда бузилиши, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 декабрда қабул қилинган “Мактабгача таълим

ва тарбия тўғрисида”ги ЎРҚ-595-сон Қонунининг 44-моддаси талабларига зид равища буйруқлар қабул қилинган.

Жиззах вилоят мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи ваколати доирасига кирмайдиган буйруқлар қабул қилган, яъни Дўстлик тумани мактабгача таълим бўлими мудири лавозимига белгиланган талабларга зид равища бошқарма бошлиғи буйруғи асосида номзод тайинлаган.

Бошқармада ички носоғлом муҳитнинг юзага келганлиги тизим ходимлари ва жамоатчиликнинг ҳақли эътиrozларига сабаб бўлган.

1. Кадрлар билан ишлаш бўйича.

ДМТТ директорларининг 119 нафари (57% фоизи) вақтинча вазифа бажарувчи сифатида лавозимга қўйилган.

Мактабгача таълим вазирлигининг 2020 йил 26 октябрдаги 173-сонли буйруғи талабларига зид равища малака талабларига мос келмайдиган ходимлар ишга қабул қилинган.

Шароф Рашидов тумани мактабгача таълим бўлими мудири Ф.Усмонов мактабгача таълим вазирининг 2020 йил 24 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тизимида лавозимларига номзодларни танлаш, тавсия этиш, келишиш, тайинлаш ва лавозимдан озод этиш бўйича тизимли ишларни такомиллаштириш тўғрисида”ги 108-сон буйруғи талабларига зид равища ДМТТ директори номенклатурасига кирадиган хўжалик мудири, хамшира ва методист лавозимларига ходимларни тайинлаб, уларга меҳнат таътили, ҳомиладорлик таътили ҳамда моддий рағбатлантириш тўғрисида буйруқларни қабул қилган.

Миллий ғоя йўналиши бўйича 2016 йил Жиззах давлат педагогика институтини тамомлаган А.Омонбаев малака талабларига зид равища бошқарманинг Болалар соғлиги ва хавфсиз овқатлантиришни таъминлаш шўйбаси мудири лавозимига тайинланган.

Жиззах шаҳар мактабгача таълим бўлими мудири Н.Шодмонқулованинг 18.12.2020 йилдаги 97-к-сонли буйруғи асосида бўлимда товар моддий қимматликлар ҳисоби бўйича ҳисобчи А.Болиқуловга туман юрисконсультини вазифаси қонунчиликка зид равища юклатилган.

Тизимдаги ходимларни жамоат шартномалари, ички меҳнат-тартиб қоидалари, одоб ахлоқ қоидалари билан таништириш, ходимларнинг шахсий йиғма жилдларини шакллантириш бўйича етарли ишлар олиб борилмаган ҳамда кадрлар фаолиятига оид буйруқлар, меҳнат шартномаларини расмийлаштиришда қонунчилик талаблари қўпол равища бузилган.

2. Таълим жараёни сифатини таъминлаш ва инновацион педагогик технологияларни жорий этиш ҳолати.

Жиззах вилоятида 2021 йил 11 март ҳолатига 3 969 педагоглар фаолият олиб бормоқда, шундан 1 664 нафари олий маълумотли (42%) ва 2 309 нафари ўрта маҳсус (58%) маълумотлиларни ташкил этади.

Давлат ҳамда нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида фаолият юритувчи ходимлар “Илк қадам” давлат дастури ҳамда Давлат талаблари асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда ҳамда иш ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг 2019 йил 30 август 155-сонли буйруғи асосида юритишида қатор камчиликларга йўл қўйилган.

Жумладан, Жиззах шаҳар 15-сон МТТда ташкилот директорининг иш ҳужжатлари (01-) бошқарув ҳужжатлари, (02-) тарбияланувчиларнинг ҳужжатлари юритилмаган. Ташкилотдаги педагогларнинг (04-03) касбий малакасини ошириш бўйича иш режа дафтарлари, (04-04) боланинг ривожланиш харитаси юритилишини назорат қилиш дафтарлари юритилмаган, бу каби камчиликлар шаҳардаги 8- ва 10-сон МТТларда ҳам кузатилган.

Туман (шаҳар) мактабгача таълим ташкилотлари услубчилари ЮНИСЕФ ташкилоти томонидан тренерлик курсларини ўтказилишига қарамай ДМТТ тарбиячилари учун ўтказилаётган семинарлар сифати қониқарли даражада эмас.

Айрим холатларда болаларни бошлангич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлов гурӯхлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида Низом талабларига амал қиласдан ташкил этилган.

3. Давлат-хусусий шерикличилик асосида мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш холати.

2018-2019 йилларда давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат МТТни ташкил этиш учун битим имзоланиб, бугунги кунга қадар 21 та лойиҳалар молиялаштирилмаган. 2 та лойиҳа молиялаштирилсада, қурилиш-таъмирлаш ишлари суст олиб борилмоқда.

Ўрганишлар натижасида фаолиятини самарали ташкил қиласдан 55 та оиласвий НМТТ билан битимларни бекор қилиш бўйича таклиф берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 19.05.2018 йилдаги 378-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармасининг маҳсус ҳисобварағи маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом талабларига амал қиласдан холда болаларнинг давомати назорат қилинмаганлиги сабабли ортиқча субсидия тўловларига йўл қўйилган.

Жиззах шаҳридаги оиласвий НМТТларга бўлим мудири Н.Шодмонкулова томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 30.07.2018 йилдаги “Оиласвий нодавлат мактабгача таълим муассасалари ҳамда оиласвий нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолияти бўйича рухсатнома бериш тартиби тўғрисида низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 595-сон қарори талабларига зид равишда 70 нафар уч ёшга тўлмаган болаларга йўлланмалар берилган.

Фаолият юритмаётган оилавий НМТГлар мавжуд бўлиб, уч ёшга тўлмаган болаларнинг қабул қилингандиги, йўлланмаларнинг ҳуқуқий асоси йўқлиги холатлари бор, тарбиячи фаолияти, овқатлантириш ва тиббий хизмати қониқарсиз холатда.

4. Болаларнинг мактабгача таълим ташкилотларига қабул қилиш ҳолати.

Вазирлар Маҳкамасининг 28.03.2018 йилдаги 244-сон қарори талабларига зид равишда болаларни ДМТГларга ноқонуний қабул қилиш ҳолатлари аниқланди.

Жумладан, Фаллаорол туманидаги 24-сон ДМТГда йўлланмага эга бўлмаган 24 нафар болалар мавжудлиги, шунингдек, Жиззах шаҳар 15-сон ДМТГда 9 нафар, Ш.Рашидов тумани 3-сон ДМТГда қисқа муддатли гурухларга қатнаётган 14 нафар болалар йўлланмасиз қабул қилингандиги аниқланди.

5. Болалар саломатлиги, соғлом овқатлантиришни таъминлаш ва ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти ҳолати.

Жорий йилнинг 1-чораги бўйича вилоятда тиббий меъёрларга кўра 24 хил маҳсулотлар билан тъминланиш даражаси 77,1 %ни ташкил этган.

Энг паст кўрсаткичлар Мирзачўл туманида (27,9 %), Зафаробод туманида (53 %), Бахмал туманида (58,4 %) ва Янгиобод туманида (58,9 %) аниқланган.

Мактабгача таълим ташкилотлари ошхоналарининг жиҳозланиш даражаси талаб даражасида эмас. 100 та электроплита, 62 та газ плита, 91 та козон, 138 та советкич, 89 та музлаткич, 97 та электр сковородока ва 82 та қовуриш шкафларига эҳтиёж мавжудлиги аниқланган.

Жиззах вилояти мактабгача таълим бошқармаси томонидан Жиззах шаҳар, Ш.Рашидов, Зарбдор ва Дўстлик туманлари мактабгача таълим бўлимлари тасарруфидаги давлат мактабгача таълим ташкилотларида эксперимент синов тарзида соғлом овқатлантиришни аутсорсинг усулини ташкил этиш бўйича танлов жараёни нотўғри ўтказилган.

Ўрганиш давомида ушбу худудларда хизмат кўрсатаётган аутсорсерларнинг фаолияти қониқарсиз деб баҳоланган.

Жумладан, таомномалар белгиланган тартибда тасдиқланмаган, ҳақиқатда болаларга берилаётган таомлар таомномага мос келмаслиги, таомномада кўрсатилган миқдордан кам берилиши, табиий сут олиб келиб ишлатишига шароит бўла туриб қуруқ сутдан фойдалангандиги, ошпазларнинг малака ва тажрибасизлиги, овқат тайёрлаш технологиясини билмаслиги, ошпаз вазифасида аввал фаррош, кир юувучи, тарбиячи ёрдамчиси вазифаларида ишлаган маҳсус таом тайёрлаш бўйича билим ва тажрибага эга бўлмаган ходимлар ишлаши, санитария қоидаларига амал қилинмаётганлиги, таомлар ўз вақтида берилмаётганлиги аниқланган.

ДМТТларда брокераж комиссиялари фаолияти қониқарсиз йўлга кўйилган.

Ш.Рашидов туманидаги 4-сон МТТда Ўзбекичтон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “COVID-19 пандемияси даврида мактабгача таълим ташкилотларининг иш фаолиятига кўйиладиган вақтинчалик санитария-гигиеник талаблар” бўйича етарли ишлар амалга оширилмаган, раҳбар, ҳамширалар, методист ва тарбиячалар мазкур талаблар бўйича зарур тушунчага эга эмаслиги кузатилган.

6. Молиявий масалалар.

Дўстлик тумани мактабгача таълим бўлимининг моддий жавобгар шахсларнинг ўз вазифаларини тўлиқ бажармаганлиги ҳамда марказлаштирилган бухгалтерия томонидан ўз вақтида инвентаризация ўtkazilmaganligi oqibatiida kuyidagi TMZ va asosiy vositalar kamomadi va ortiқchaliklariiga yўl koyilgan:

3-сон ДМТТ – 1540,7 минг сўм камомад, 7684,6 минг сўм ортиқча,

11-сон ДМТТ – 10641,5 минг сўм камомад,

13-сон ДМТТ – 17,5 минг сўм камомад,

18-сон ДМТТ – 11740,0 минг сўм орқтича.

Марказлаштирилган молия-бухгалтерия томонидан 38,3 млн.сўм иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ортиқча ҳисобланган ва тўланган.

Ш.Рашидов тумани мактабгача таълим бўлимда собиқ бўлим мудири Ф.Усмонов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 16.04.2020 йилдаги 232-сонли қарорга зид равишда бўлимнинг 20 нафар ходимларига 20,9 млн. сўм, 14 та ДМТТнинг 235 нафар ходимига 195,9 млн. сўм, жами 216,9 млн. сўм мукофот ва рағбатлантириш ортиқча тўланган.

Бош ҳисобчи О.Абдуолимов, ҳисобчилар Ж.Эргашев ва Д.Абдуваитовалар томонидан ўртacha иш ҳақи нотўғри аниқланиши натижасида 15 та ҳолатда 21,9 млн. сўмлик ҳомиладорлик ва туғиш таътили пуллари, иш ҳақи ҳисоблаш меъёrlарига амал қилмасдан 30,3 млн. сўм иш ҳақи ортиқча тўланган.

Бош ҳисобчи О.Абдуолимов, ҳисобчилар Ж.Эргашев ва Д.Абдуваитовалар томонидан 2020 йил давомида 46 млн.сўм мактабгача таълим ташкилотлари ходимларининг иш ҳақлари ва унга тенглаштирилган тўловлари асоссиз равишда бошқа шахсларнинг пластик карточкаларига ўtkazib berilgan.

Собиқ бўлим мудири Ф.Усмонов томонидан 3 нафр ходимнинг интизомий жазоси амал қилиб турган даврда мактабгача таълимни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 5,4 млн. сўм рағбатлантириш ортиқча тўланган.

Собиқ бўлим мудири Ф.Усмонов, бош ҳисобчи О.Абдуолимов, мутахассис О.Жиянбековлар томонидан Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун

тартиб-таомилларига риоя қилмасдан, аукцион ёки танлов ўтказиш бўйича бериладиган эълонлардан қочган ҳолда электрон магазин орқали 661,1 млн. сўмлик товар-моддий бойликлар давлат харидларини қисмларга бўлган ҳолда ноқонуний амалга оширилган.

Зарбдор тумани МТБ томонидан марказлашган бухгалтерия ходимлари жиноий жавобгарликка тортилиб ўзларига тўғри хулоса қилмасдан яна жиноятга қўл урганлар. 2020 йилнинг феврал ойида ўтказилган текширишда иш ҳақига ажратилган 109 млн.сўм маблағларни талон-тарож қилишган.

Тизимли равишда қуйидаги молиявий камчиликларга йўл қўйиб келинган:

иш ҳақига ажратилган маблағлар асосан:

“ўлик жонлар”га иш ҳақи ёзиш;

иш ҳажмини тўлиқ бажармаган ходимларга ортиқча иш ҳақи тўлаш;

моддий рағбатлантириш жамғармасини ноқонуний сарфлаш;

пластик карталарга ноқонуний пулларни ўтказиш орқали ўзлаштириш;

тўлов қайдномаларида қайд этилган нақд пулларни бермаслик;

ўриндошлик асосида ишловчиларга ҳамда меҳнат таътилларини нотўғри хисоблаш ва бошқа ҳолатларда ортиқча тўловларга йўл қўйилган.

Озиқ-овқат харажатларига ажратилган маблағларни ноқонуний сарфлаш:

сохта таомномалар тузиш, таомномаларга болажонларга берилмаган мавжуд озиқ-овқат маҳсулотларини қўшиб ёзиш;

меъёрга нисбатан озиқ-овқатларни ортиқча ҳисобдан чиқариш;

санитария талабларига жавоб бермайдиган озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилиш ҳолатлари аниқланган, жумладан сарёғ маҳсулотлари таркибида асосан ўсимлик ёғи, ароматизатор, ранг берувчи каби синтетик қўшимчалар қўшилган.

Санитария талаблари бўйича болалар овқатланишида таркибида сунъий қўшимчалар бўлган (синтетические, ароматизаторы, красители) маҳсулотларни ишлатиш тавсия қилинмайди ва шунингдек ёғлилик даражаси 72% дам кам бўлган сарёғ ва СПРЕД ёғларини ишлатиш тақиқланган ва болалар истеъмолида сарёғ табиий сигир сутидан тайёрланган бўлиши белгилаб қўйилган.

Ота-оналар тўловларини кассага кирим қилмаслик орқали ноқонуний ўзлаштириш.

Ҳақиқатда етказиб берилмаган товар ва хизматлар учун асоссиз равишда маблағларни турли таъминотчи корхоналар хисобига ўтказиб бериш каби қонунбузилиш ҳолатлари содир этилган.

Муддати ўтган дебитор қарздорликлар ундирилмаган.

Харидларнинг рақобатга асосланган усулларини четлаб ўтиб, “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун талабларига зид равишда шартномалар тузилган.

Айрим холатларда аукцион харидлар ўрнига тўғридан-тўғри шартномалар тузиш ёки маҳсус ахборот порталига эълонларни жойлаштирумасдан харид қилинган.

Бухгалтерия хисобини лозим даражада юритмаслик холатларига йўл қўйилган.

Пахтакор туманида ДМТТ тарбияланувчиларни хисобини юритиш табели УЗАСБО дастурий мажмуасида юритилмаган. Бу эса ота-оналарнинг Click ва Payme тўлов тизими орқали бадал тўловларни амалга ошириш имкониятини чекламоқда.

Марказлашган молия-бухгалтерия хизмати томонидан мажбурий тартибда инвентаризация ишлари ташкил этилмаган.

Давлат мактабгача таълим ташкилотларида ходимлар томонидан истеъмол қилинган озиқ-овқат маҳсулотлари учун овқат пули хисобланмаган ва ундирилмасдан келинмоқда.

Ўрганиш натижалари бўйича қўйидаги ишлар амалга оширилди:

Мактабгача таълим вазирининг 2020 йил 4 декабрдаги 528-к-сон буйруғи асосида Жиззах вилояти мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи Н.Тошибеков билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди.

Ўрганиш давомида аниқланган камчиликлар юзасидан жами 183 нафар мактабгача таълим раҳбар ва ходимларига нисбатан интизомий жазо чоралари кўрилди. Жумладан,

– 41 нафар раҳабр ва ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди;

– 4 нафарининг ойлик иш ҳақига нисбатан 30 фоиз жарима миқдорида интизомий жазо чораси қўлланилди;

– 139 нафарига ҳайфсан берилди.

Шундан, 8 нафар вилоят мактабгача таълим бошқармаси ходими, 2 нафар бўлим мудири, 2 нафар бўлим ходими, 21 нафар ДМТТ директори, давлат мактабгача таълим ташкилотларидан жами 8 нафар ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинди.

1 нафар бўлим мудири, 1 нафар ДМТТ директори, 2 нафар хўжалик ишлари мудирига 30 фоиз жарима миқдорида интизомий жазо чораси қўлланилди.

3 нафар бўлим мудири, 61 нафар ДМТТ директори, 1 нафар ҳисобчи, 12 нафар ошпаз, 20 нафар хамшира, 14 нафар хўжалик ишлар мудири, 20 нафар тарбиячи, 2 нафар дефектолог, 6 нафар методистларга “хайфсан” интизомий жазо чораси қўлланилди.

Жиззах вилояти мактабгача таълим бошқармаси, Жиззах шаҳар, Пахтакор, Зарбдор, Зафаробод, Дўстлик ва Арнасой туманлари мактабгача таълим бўйимлари ҳамда давлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини ўрганиш юзасидан тўпланган хужжатлар қонуний чора кўриш учун прокуратура органига тақдим этилди.

Жиззах шаҳар, Шароф Рашидов, Зарбдор ва Дўстлик туманлари аутсорсинг хизмати кўрсатаётган корхоналар билан шартномалар бекор қилинди.

Ўрганишлар натижасида фаолияти самарали ташкил этилмаган 55 та оиласий НМТТ билан тузилган битимларни бекор қилиш бўйича таклиф киритилди.

Вазирлик ва Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти мутахассислари билан биргаликда МТТларда “Илк қадам” давлат дастури бўйича амалий семинарлар ўтказилди.

Бошқарма, бўлим ва ДМТТ ҳамда ДХШ асосида ташкил этилган МТТларга ташкилий, хуқуқий, таълим жараёни, молиявий, соғлом овқатлантириш масалаларида тушунчалар берилди.

Мактабгача таълим вазирлиги томонидан Жиззах вилоятида ўтказилган ўрганиш натижалари, аниқланган камчиликлар ва уларни бартараф этиш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Шунингдек, Мактабгача таълим вазирлиги ва Жиззах вилояти ҳокимлигининг 2021 йил 10 апрелдаги “Жиззах вилоятида мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 6, 164-сон қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигига коррупцияга қарши курашиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга карши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 25 сентябрдаги 02-2700-сон топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида Мактабгача таълим вазирининг 2020 йил 19 октябрь куни 166-сон “Мактабгача таълим тизимида коррупцияга карши курашиш тизимини такомиллаштириш хакида”ги буйруғии қабул килинган.

Мактабгача таълим соҳасида “Коррупциясиз соҳа” лойихасини тайёрлаш ва амалга ошириш учун вазирликда Комплаенс-назорат бўлими ташкил этилди.

2021 йил январь ойида Мактабгача таълим вазирининг қўйидаги:

“Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг коррупцияга карши курашиш сиёсатини белгилаш тўғрисида”ги,

“Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тизимида коррупцияга карши курашишнинг кечиктириб бўлмас чора-тадбирлари тўғрисида”ги,

“Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тизимида одоб-аҳзол қоидаларига риоя этилишини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги,

“Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисида”ги буйруқлари билан қатор низом, тартиб ва қоидалар тасдиқланиб, амалга киритилди.

Шунингдек, коррупциянинг олдини олиш максадида катор ижобий ишлар амалга оширилмоқда:

болаларни мактабгача таълимга кабул килиш электрон тизим орқали худудлардаги давлат хизматлари марказларида амалга оширилмоқда;

коррупцияни олдини олиш учун жамоатчилик назорати сифатида мактабгача таълим ташкилотларида ота-оналардан таркиб топтан кузатув кенгашлари ташкил этилган;

ахолига кулайлик яратиш ҳамда ота-она тўловларини талон-тарож қилинишини олдини олиш максадида давлат мактабгача таълим ташкилотларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўловини онлайн амалга ошириш учун биллинг тизими асосида Click, Payme, Zumrad тўлов тизимлари орқали тўловларни амалга ошириш йўлга қўйилди.

Жizzах вилояти мактабгача таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, давлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда Мактабгача таълим соҳасида коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш бўйича “Йўл харитаси” ижросини таъминлаш, вазирлик марказий аппарати, худудий бўлинмалар ва идоравий мансуб ташкилотлар ходимлари томонидан ўз фаолиятида коррупцияга оид хуқуқбузарликлар содир этилишига йўл қўймаслик ва бу борада самарали тизимни шакллантириш мақсадида Ҳайъат йиғилиши қарор қиласиди:

14. Ички аудит, молиявий ва хуқуқий назорат хизмати бошлиги Д.Норматовинг “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросининг Жizzах вилояти мактабгача таълим бошқармаси ва унинг тизимидағи ташкилотларида ўрганиш натижалари” тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

Юридик бошқарма бошлиғи Х.Буриевнинг “Мактабгача таълим тизимида коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолати тўғрисида”ги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

Мактабгача таълим тизимида коррупцияга қарши курашиш йўналишида бир қатор тадбирлар амалга оширилган бўлсада, бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш лозимлиги қайд этиб ўтилсин.

15. Қуйидагилар:

Жиззах вилояти мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи Н.Тошибеков билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилингандыгы;

Жиззах вилояти мактабгача таълим тизимида аниқланган камчиликлар юзасидан жами **183 нафар** раҳбар ва ходимларга нисбатан, шундан **41 нафар** раҳабр ва ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилингандыгы, 139 нафарига ҳайфсан ҳамда **4 нафарига ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизи микдорида жарима интизомий жазо чоралари қўлланилгандыгы;**

Жиззах вилояти мактабгача таълим бошқармаси, Жиззах шаҳар, Пахтакор, Зарбдор, Зафаробод, Дўстлик ва Арнасой туманлари мактабгача таълим бўлимлари ҳамда давлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини ўрганиш юзасидан тўпланган хужжатлар қонуний чора кўриш учун **прокуратура органига тақдим этилгандыгы;**

Жиззах шаҳар, Шароф Рашидов, Зарбдор ва Дўстлик туманларида аутсорсинг хизматини кўрсатаётган корхоналар билан шартномалар **бекор қилингандыгы;**

Мактабгача таълим вазирлиги томонидан Жиззах вилоятида ўтказилган ўрганиш натижалари, аниқланган камчиликлар ва уларни бартараф этиш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқлангандыгы;

Мактабгача таълим вазирлиги ва Жиззах вилояти ҳокимлигининг 2021 йил 10 апрелдаги “Жиззах вилоятида мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 6, 164-сон қарори қабул қилингандыгি **маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.**

16. Жиззах вилояти мактабгача таълим бошқармаси (Ф.Солиева)га:

Мактабгача таълим вазирлиги томонидан Жиззах вилоятида ўтказилган ўрганиш натижалари, аниқланган камчиликлар ва уларни бартараф этиш бўйича “Йўл харитаси”да ҳамда Мактабгача таълим вазирлиги ва Жиззах вилояти ҳокимлигининг 2021 йил 10 апрелдаги “Жиззах вилоятида мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 6, 164-сон қарори ва у билан тасдиқланган чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, натижаси юзасидан **ҳар ой якунида Мактабгача таълим вазирлигига ахборот киритиш;**

йил якунига қадар болаларни мактабгача таълим билан қамраб олишни жорий йилнинг якунига қадар 65 фоиздан 73 фоизга, б ёшли болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлашни 85 фоиздан 89 фоизга ошириш бўйича барча зарур чораларни кўриш вазифалари юклатилсин.

17. Вазир ўринбосарлари (Қ.Олимов, М.Юлдашев, Ш.Маматқұлов) ва вазирликнинг масъул таркибий бўлинмалари раҳбарларига:

тизимли муаммоларни аниқлаш ва шу асосда хизмат фаолиятини такомиллаштириш бўйича вазирлик томонидан ишлаб чиқилиб, тасдиқланган Мактабгача таълим тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича “Йўл ҳаритаси” асосида белгиланган тадбирларни амалга ошириш;

вазирлик фаолиятида жорий этилган коррупцияга қарши курашиш бўйича комплаенс-назорат тизимини ишини янада жадаллаштириш;

ушбу тизимни амалиётга жорий этиш натижасида вазирлик ва унинг ҳудудий тузилмаларида яширин (хуфёна) иқтисодиёт ҳамда коррупцияга қарши кураш соҳасида бир қатор ижобий кўрсаткичларга эришилиб, ходимлар хавфсизлигини таъминлаш, уларга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф қилиш;

мактабгача таълим соҳасида давлат назорат тизимларини автоматлаштириш ҳамда замонавий ахборот технологияларини, амалга ошириладиган давлат харидлари, маблағларни сарфланишида шаффофлик ва самарали тизимини жорий этиш, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқ орқали вазирлик фаолиятини шаффофлигини таъминлаш ва жамоатчилик назоратини кучайтириш чораларини кўриш вазифаси юклатилсин.

18. Вазирликнинг идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача таълим вазири, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси бошлиқлари ҳамда туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари мудирларига:

мактабгача таълим тизимидағи коррупцион ҳолатларни олдини олиш ва аниқлаш бўйича ички имкониятдан келиб чиқсан ҳолда комплеанс-назорат йўналишидаги ишларни амалга ошириш учун буйруқ асосида масъул ходимни бириктириш, вазирликнинг Комплаенс-назорат бўлими томонидан берилган топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш;

вазирликнинг 2021 йил 1 февралдаги "Мактабгача таълим вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш сиёсатини белгилаш тўғрисида"ги 16-сонли буйруғи асосида қўл остидаги ҳар бир ходимдан ва давлат мактабгача таълим ташкилотлари директорларидан коррупцион кўринишдаги қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўймасликлари юзасидан тилхат олинишини таъминлаш;

коррупцион хавф-хатарларни баҳолаш мақсадида, моддий манфаатдорлик эвазига коррупцион қонун бузилиш ҳолатини содир этишга мойиллиги юқори бўлган тизим ходимларини аниқлаш ва бундай ходимлар ҳақида мунтазам равишда вазирликка ахборот бериш;

турли хил ножӯя қилмишлар, жиноятлар, қонун бузилиши ҳолатлари, жиддий хато ва камчиликлар аниқланаётган мактабгача таълим тизими ходимларининг ноконуний фаолияти ва ҳатти-харакатларига барҳам берилишини таъминлаш;

мактабгача таълим тизими ходимларининг ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш, маънавий-аҳлоқий қадриятлар ва дунёкарашини шакллантириш ҳамда бу борада уларнинг масъулиятини янада ошириш ва шахсий жавобгарлигини белгилаш чораларини кўриш;

коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш бўйича худудлар кесимида соҳалар бўйича мониторинг таҳлилларни ўтказиш, натижаси бўйича зарур чораларни кўриш, **ҳар чоракда** вазирликка ахборот тақдим этиб бориш вазифалари юклатилсин.

2021 йил 1-чорак якуни бўйича Мактабгача таълим вазирлиги тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши натижалари тўғрисида.

(Шин, Олимов, Дадабоев, ... Шин)

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Конунида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан 2021 йил 1-чорак давомида тизимли ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 апрелдаги “2021 йил I чоракда Вазирлар Маҳкамаси аппарати, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро ҳокимияти органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши натижалари тўғрисида”ги 51-сонли Раёсат мажлиси қарорида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида, сифатли кўриб чиқиши, шахсий ва сайёр қабуларнинг натижадорлигини ошириш, иш юритиш тизимини ташкил этиш, таҳлил ва назорат ишларини самарали амалга ошириш масалаларида аниқ вазифалар кўрсатилган.

Хисобот даврида Мактабгача таълим вазирлиги марказий аппаратида, Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши бўйича амалга оширилган ишларнинг натижалари таҳлил этилди.

Жорий йилнинг февраль ойида вазирликнинг Хайъат йигилишида “2020 йил якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши натижалари муҳокама этилиб, Хайъат қарори билан тегишли топшириқ ва кўрсатмалар берилди ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ чоралар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2021 йил 17 февралдаги Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш самарадорлигини ошириш юзасидан 18/1-299-сонли топшириғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 мартағи

28-сонли Раёсат мажлиси қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан мактабгача таълим вазирининг 2021 йил 2 февралдаги фишка-35 топшириги ҳамда 2021 йил 30 марта 01-03/4-74-сонли хати билан вазир ўринбосарларига, вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотларига, Қорақалпогистон Республикаси мактабгача таълим вазири, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ва Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармасига аниқ топшириқ ва кўрсатмалар етказилди.

Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳри ва Янгийўл тумани мактабгача таълим бўлимларида жисмоний ва юридик шахсларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини кўриб чиқиш ҳолатлари ўрганилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва такрорланишини олдини олиш юзасидан амалий ёрдам кўрсатилди.

Пандемия даврида ҳам жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларининг қабули санитария қоидаларига амал қилинган ҳолда вазирлик раҳбарияти ва масъул ходимлари томонидан ташкил этилди ҳамда вазирлик “Ишонч телефони” доимий иш фаолияти таъминланди.

2021 йил 1-чорак давомида бевосита Мактабгача таълим вазирлигига жисмоний ва юридик шахслардан жами 1 406 таси (улардан 304 таси Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси орқали) мурожаатлар келиб тушган, мазкур кўсатгич 2020 йил 1-чораги давомида 1 049 тани (улардан 157 таси Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси орқали) ташкил этган бўлиб, ўтган йилнинг шу даври билан солиширганд мурожаатлар сони 357 тага ортган.

Вазирликка жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган жами 1 406 таси мурожаатлардан:

– 304 таси Ўзбекистон Республикаси Президенти Виртуал қабулхонасидан;

– 260 таси Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси “Ишонч телефони” орқали;

– 45 таси Ўзбекистон Республикаси Баш Вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш Котибиятидан;

– 64 таси Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари Федерациясидан;

– 126 таси жисмоний шахслардан

– 174 таси юридик шахслардан;

– 49 таси вазирликнинг ишонч телефони орқали;

– 50 таси вазирлик раҳбарияти томонидан ўтказилган қабулларда;

– 30 таси масъул ходимлар томонидан ўтказилган қабулларда.

Келиб тушаётган мурожаатлар масалалари кесмида таҳлил қилинганда, энг кўп мурожаатлар:

- мактабгача таълим ташкилотига фарзандини жойлаштириш;
- Давлат хусусий шериклик асосида янги мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш;
- мактабгача таълим ташкилотлари раҳбар ва ходимларининг хатти-харакатларидан норозилиги;
- иш билан таъминлаш;
- маҳалла худудида янги мактабгача таълим ташкилотини қуриш.

Ҳисобот даврида Мактабгача таълим вазирлиги ва унинг куйи ташкилотларига жисмоний ва юридик шахслардан жами 9 519 та мурожаатлар келиб тушган.

Улардан:

3 720 таси Виртуал қабулхона, 2 757 таси оғзаки, 3 029 таси ёзма 3 таси веб-сайт, 10 таси электрон почта орқали келган мурожаатлар.

Бевосита вазирлик ва ҳудудий бошқармаларга келиб тушган 5 799 та мурожаатардан 2 600 таси қаноатлантирилган, 2 729 тасига тушунтиришлар берилган, 12 таси кўрмасдан қолдирилган, 11 таси рад этилган, 38 таси тегишилиги бўйича бошқа ташкилотларга юборилган, 409 таси иш жараёнида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси орқали келиб тушган мурожаатлар сони 3 720 тани ташкил этган бўлиб, мурожаатларнинг 1 574 таси қаноатлантирилган, 1 681 тасига тушунтиришлар берилган, 41 таси кўрмасдан қолдирилган, 424 таси иш жараёнида.

Кўриб чиқиши натижалари бўйича мурожаатларнинг қаноатлантириш даражаси 47,7 фоизни ташкил этди.

Бунинг асосий сабаби давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш учун битим имзолаш ва имтиёзли кредитларни ажратиш, болаларни мактабгача таълим ташкилотларига жойлаштириш ҳамда янги мактабгача таълим ташкилотларини қуриб бериш каби масалалар бўйича мурожаатларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 январдаги “Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4581-сон, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 мартағи 244-сон қарорлари ва бошқа меъёрий-хукуқий ҳужжатлари асосида ўрнатилган тартибда тушунтириш ва тавсиялар берилиб келинди.

Шу билан бир қаторда ҳисобот даврида куйидаги камчиликларга ҳам йўл қўйилган.

Жойларда халқ билан кенг қамровли мулоқотларни, тушунтириш ва тарғибот ишларини етарли даражада олиб борилмаганлиги сабабли жами

9 519 та мурожаатлардан энг кўп Қашқадарё вилоятида 1 012 та, Сурхондарё вилоятида 913 та, Тошкент вилоятида 930 та, Самарқанд вилоятида 724 та, Андижон вилоятида 711 та, Фарғона вилоятида 710 тани ташкил этган.

Шунингдек, 2021 йилнинг 1-чораги давомида айрим худудий ташкилотлар раҳбарлари томонидан шахсан фуқароларни қабул қилиш масаласига етарли эътибор қаратилмаган.

Бу борада, Қашқадарё вилоятида 338 нафар, Тошкент вилоятида 335 нафар, Сурхондарё вилоятида 164 нафар, Андижон вилоятида 160 нафар, фуқаролар қабул қилинган бўлса, Хоразм вилоятида 26 нафар, Навоий вилоятида 42 нафар, Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача таълим вазирлигига 44 та, Наманган вилоятида 46 нафар фуқаролар қабул қилинган холос.

2021 йилнинг 1-чораги давомида ўтказилган “Сайёр қабуллар”да Навоий вилоятида 162 нафар, Қашқадарё вилоятида 112 нафар, Андижон вилоятида 94 нафар, Самарқанд вилоятида 92 нафар фуқаролар қабул қилинган бўлса, Бухоро вилоятида 5 нафар, Қорақалпоғистон Республикасида 7 нафар, Жиззах вилояти 10 нафар, Наманган вилоятида 11 нафар, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида 34 нафардан фуқаролар қабул қилинган холос.

Бундан ташқари, худудларда раҳбарларнинг жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш кунларида фуқароларни раҳбарларнинг шахсан ўзлари қабул қиласликлари, ҳар бир бошқарма ва бўлимлардаги Ишонч телефонлари фаолияти иш кунларида доимий йўлга кўйилмаганлиги, ўз вақтида мурожаатларга жавоб берилмаслиги, қабул давомида масъул ходимлар томонидан жисмоний ёки юридик шахсларга аниқ ва асосланган жавоб берилмаслиги, фуқаролар билан қўпол муомалада бўлиши ҳолатлари сабаб жисмоний ва юридик шахслардан ҳақли ва жиддий эътиrozлар келиб тушмоқда.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида, пухта ва сифатли кўриб чиқилишини таъминлаш, бу борада тизимдаги раҳбарларнинг масъулиятини янада ошириш мақсадида **Ҳайъат йиғилиши қарор қиласи**:

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг 2021 йил 27 апрелдаги “**2021 йил 1-чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро ҳокимияти органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари тўғрисида**”ги 51-сон баёни раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг баёнида 2021 йил 1-чоракда Мактабгача таълим вазирлиги томонидан сайёр қабуллар умуман ташкил этилмаганлиги ҳамда вазирлик марказий аппаратида мурожаатларни кўриб

чиқишида **19 та ҳолатда** қонунда белгиланган муддатлар бузилганлиги қайд этилганлиги инобатга олинсин.

20. Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлар, Қорақалпогистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоятлар мактабгача таълим бошқармаларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожатларини ўз вақтида, сифатли кўриб чиқилишида камчиликларга йўл кўйилаётганлиги, Мактабгача таълим вазирлигининг 2021 йил 12 февралдаги 1-сон Ҳайъат қарорида белгиланган вазифалар ижроси тўлиқ таъминланмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

2021 йилнинг 1-чораги давомида мактабгача таълим тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларни кўриб чиқишида камчилик ва қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйганлиги сабабли **21 нафар** масъул ходимларга нисбатан **интизомий жазо чоралари қўлланилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.**

21. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини белгиланган тартибида кўриб чиқишида:

Қашқадарё (А.Алимардонов), Сурхондарё (З.Тўлаганов), Самарқанд (Ш.Рахмонов) ва Фарғона (Ю.Ходжаева) вилоятлари мактабгача таълим бошқармалари бошлиқларига фуқароларнинг мурожаатларини камайтириш юзасидан аниқ чоралар кўрилмаганлиги;

Хоразм (И.Якубова), Навоий (Ў.Тиллаев) ва Наманган (Ҳ.Юсупова) вилоятлари мактабгача таълим бошқармалари бошлиқлари ҳамда Қорақалпогистон Республикаси (Ж.Уснатдинова) мактабгача таълим вазирига фуқароларнинг шахсий қабулига;

Бухоро (Ф.Латипов), Жizzах (Ф.Салиева), Сирдарё (Д.Дўстов) ва Хоразм (И.Якубова) вилоятлари мактабгача таълим бошқармалари бошлиқлари ҳамда Қорақалпогистон Республикаси (Ж.Уснатдинова) мактабгача таълим вазирига “Сайёр қабул”ларни ташкил этилишига;

Тошкент (С.Баратова), Хоразм (И.Якубова), Самарқанд (Ш.Рахмонов), Навоий (Ў.Тиллаев) ва Наманган (Ҳ.Юсупова) вилоятлари мактабгача таълим бошқармалари ҳамда Тошкент шаҳар (Ж.Пак) мактабгача таълим бош бошқармаси бошлиқларига мурожаатларни кўриб чиқишида уларни қаноатлантириш даражасига етарли эътибор қаратилмаганлиги ҳамда тизимли назорат ўрнатилмаганлиги кўрсатиб ўтилсин.

22. 2021 йилнинг 1-чорагида мурожаатларни кўриб чиқишида қонунда белгиланган муддатлар бузилишига ва мутахассислар томонидан мурожаатлар билан ишлашда масъулиятсизликка йўл қўйилганлиги учун куйидаги вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарлари ҳамда худудий мактабгача таълим бошқармалари бошлиқлари **огоҳлантирилсин:**

– Ахборот коммуникация технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи – А.Джураев (A-24);

- Кадрлар бошқармаси бошлиғи – Б.Мадрахимов (Т-53, М-113, Х-147);
- Вазирнинг маънавий-маърифий ишлар ва давлат тили бўйича маслаҳатчиси – К.Рискулова (Юр-31);
- Халқаро ҳамкорлик ва чет эл инвестицияларини жалб қилиш бошқармаси бошлиғи – Н.Зиямов (Юр-33, 35)
- Мактабгача таълим ташкилотларида иш ҳақини режалаштириш ва молиялаштириш бўлими бошлиғи – Ж.Йўлдошев (ФЕ-24, К-123);
- Давлат-хусусий шерикчилик асосидаги мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш бошқармаси бошлиғи – А.Хакимов (7-Ю);
- Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва стратегик ривожлантириш бўлими бошлиғи – Б.Хидирбаев (К-173);
- Педагог кадрлар сифатини ошириш ва педагогика коллежлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи – Ш.Камалов (Н-223, Жам-237);
- Ишлар бошқармаси бошлиғи – В.Бабаходжаев (Юр-87);
- Инвестициялар ва капитал қурилишни мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи – Р.Бобохонов (Жам-229);
- Қорақалпогистон Республикаси Мактабгача таълим вазири – Ж.Уснатдинова (Ишонч тел-19);
- Қашқадарё вилояти матабгача таълим бошқармаси бошлиғи – А.Алимардонов (Ф-184);
- Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси бошлиғи – Ж.Пак (Б-305).

Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва худудий мактабгача таълим бошқармалари бошлиқлари уч кун муддатда қўл остидаги ходимларнинг жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлашда Конун талабларига қатъий амал қилишлари юзасидан уларнинг **масъулиягини янада оширасин**, келгусида мурожаатлар билан ишлашда хато ва камчиликларга йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланиши тўғрисида огоҳлантириш берсин.

23. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўлими бошлиғи Б.Дадабоев вазирлик марказий аппаратида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича назорат ишларини етарли даражада ташкил этмаганлиги ва жойларда сайёр қабулларни ташкил этиш юзасидан вазирлик раҳбариятига таклиф киритмаганлиги учун **огоҳлантирилсин**.

24. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўлими (Б.Дадабаев):

пандемия шароитида жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш ишлари белгиланган талабларга амал қилган ҳолда

ташкил этсин, бу жараёнга тегишли таркибий бўлинмаларнинг раҳбар ва масъул ходимларини жалб қиласин;

вазирлик раҳбариятининг шахсий ва сайёр қабулларини тасдиқланган жадваллар асосида раҳбарият иштирокида самарали ташкил этиш ва уларда кўтарилигдан соҳага оид муаммоли масалаларни қонуний ечимларини топиш чораларини кўриш;

вазирлик марказий аппарати таркибий бўлимлари ва идоравий мансуб ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар мактабгача таълим бошқармаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишининг аҳволини мунтазам таҳлил қилиб борсин, уларга амалий ёрдам кўрсатсин;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини Қонун талаблари асосида кўриб чиқилишига масъулиятсизлик ва эътиборсизлик билан ёндашган вазирликнинг масъул ходимларига, худудий мактабгача таълим бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларига тегишли чоралар кўриш юзасидан таклифлар киритиб борсин;

2021 йил 2 июлгача жорий йилнинг I ярим йил якунлари бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг муожаатларини кўриб чиқиш юзасидан бажарилган ишларнинг натижаси тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ҳисоботларни тақдим этсин.

25. Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлимлари ва идоравий мансуб ташкилотларига:

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишида қонун талабларига оғишмай амал қилинишини таъминлаш, таҳлил ва назорат ишларини кучайтириш, мутахассисларнинг фаоллигини ошириш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини мурожаат муаллифлари иштирокида тўлиқ ва сифатли кўриб чиқиш, натижаси бўйича Қонунда белгиланган муддатлардан кечиктирмай жавоб хатларини тақдим этилишини таъминлаш;

вазирликда фуқаролар ва тадбиркорларни тезкорлик билан қабул қилиш, қабул жараёнларини фақат бошқарма, бўлим бошлиқлари, улар сабабли равишда иш жойида бўлмаганликларида уларнинг ўринбосарлари томонидан амалга оширилишига қатъий амал қилиш ва зарур ҳолларда худудий мактабгача таълим бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбар ва масъул ходимларини жалб этиш вазифалари юклатилсин.

26. Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача таълим вазири, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоят мактабгача таълим бошқармалари бошлиқларига:

икки ҳафта муддатда мурожаатлар билан ишлашнинг аҳволини танқидий муҳокама қилиш, мавжуд хато ва камчиликларнинг сабабларини аниқлаб, уларни ҳал этиш ва мурожаатларни кўриб чиқишида қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан жиддий чоралар кўриш;

фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳар бир мурожаати ўз вақтида ва қонун талабларига мувоғиқ уларнинг иштирокида кўриб чиқилишини таъминлаш, айниқса такрорий ва жамоавий мурожаатларни кўриб чиқилишига алоҳида эътибор қаратиш, такрорий мурожаатларни келиб тушишини олдини олиш юзасидан барча зарурый чораларни кўриш;

мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича муаллифнинг ёзма муносабатини олиш, муаллиф ёзма муносабат билдиришдан бош тортган тақдирда, далолатнома ёки сухбат баённомаларини расмийлаштириш;

шахсий ва сайёр қабулларни тасдиқланган жадваллар асосида самарали ташкил этиш ва уларда кўтарилигтан муаммоли масалаларни қонуний ҳал этилишини таъминлаш;

“Ишоч телефон”лари белгиланган иш вақти давомида хизмат кўрсатишини таъминлаш, “Ишонч телефон”лари рақамларини кенг оммага етказиш, масъул ходимлар томонидан қўнгироқларга ўз вақтида жавоб берилишини таъминлаш;

шаҳар, туман мактабгача таълим бўлимлари ва мактабгача таълим ташкилотларида мурожаатлар билан ишлашда Қонун устуворлигини таъминлаш бўйича талабчанликни кучайтириш, ҳар чоракда мурожаатлар билан ишлаш ҳолатини доимий мухокама қилиб бориш;

2021 йилнинг 31 июлига қадар жорий йилнинг жорий йилнинг I ярим йил якунлари бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш юзасидан бажарилган ишлар тўғрисида вазирликка ҳисботлар киритилишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик хужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6166-сон фармони ва 2021 йил 3 апрелдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тузилмасини мақбуллаштириш ва штат бирликлари сонини қисқартириш тўғрисида”ги ПҚ-5053-сон қарорида белгиланган вазифалар ижроси тўғрисида.

(Шин, Олимов, Бердиева, Мадрахимов, ... Шин)

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик хужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6166-сон фармонида белгиланган вазифалар ижроси.

2021 йил 10 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Конунчилик хужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6166-сон фармони қабул қилинди.

Фармон билан Қабул қилинаётган қонунчилик хужжатлари ижросини самарали ташкил этиш ва мониторинг қилишнинг таъсирчан тизимини яратиш, 2017 — 2021 йилларда тасдиқланган тармоқ ва худудий ривожланиш дастурларида белгиланган мақсадларга эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича давлат бошқаруви органлари раҳбарлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимларнинг шахсий жавобгарлиги белгиланди.

Шунингдек, 2021 йил 1 апрелдан бошлаб, барча республика даражасидаги давлат органлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ижро интизомига масъул бўлинмалари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш масалалари мажбурий тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Ижро интизомини таъминлаш шўъбаси билан келишилиши;

2021 йил 1 майдан бошлаб барча давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ижрони назорат қилиш, назорат картотекаларини юритиш ва ҳисботларни шакллантириш факат “Ijro.gov.uz” тизимида амалга оширилиши қатъий белгиланди.

Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 февралдаги 48-ф-сон фармойиши ҳамда 2021 йил 31 мартағи “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тизимида давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотларнинг ижро интизомига масъул таркибий бўлинмалари раҳбарларини лавозимларга тайинлашни ва уларнинг фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 171-сон қарори қабул қилинди.

Мактабгача таълим вазирлигига мазкур Фармон ижросини сифатли ташкил этиш вазирликнинг 2021 йил 12 февралдаги Ҳайъат йигилишида кўриб чиқилиб, Ҳайъат қарори билан Фармонда ва у билан тасдиқланган “йўл харитаси”да белгиланган чора-тадбирларнинг барвақт ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш бўйича Ишчи гуруҳи шакллантирилди ва Ҳаракатлар режаси қабул қилинди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 31 мартағи 171-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Мактабгача таълим вазирининг 2021 йил 7 апрелдаги 55-сон бўйруғи билан худудий мактабгача таълим бошқармаларида ижро интизоми бўйича мутахассис штат бирлиги ажратилди.

Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорида худудий бўлинмалар ва тизим ташкилотларидаги ижро интизомига масъул ходимларни марказий

аппарат билан келишув асосида лавозимга тайинлаш тизимининг жорий қилиниши белгиланган.

Шунга асосан худудий мактабгача таълим бошқармалари томонидан ижро интизоми бўйича мутахассис лавозимига номзодларни лавозимга тайинлашда вазирликнинг Назорат-таҳлили бошқармаси билан келишиш лозим.

Мактабгача таълим соҳаси, умуман таълим соҳасида қабул қилинаётган қонунчилик хужжатларнинг ўз вақтида мактабгача таълим ходимларига етказилиши, соҳани ривожлантириш борасидаги бир қатор устувор ва истиқболли вазифаларни амалда ҳал қилиш бўйича худудларда тезкор ва самарали чора-тадбирларни белгилаш бўйича худудий мактабгача таълим бошқармалари ва бўлимлари раҳбарлари томонидан шахсий масъулият кўрсатиш ва назорат олиб боришда сусткашликка йўл қўйилмоқда.

Жумладан, мактабгача таълим вазирининг биринчи ўринbosари Қ.Олимов имзоси билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони 11-банди ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 1 апрелига қадар бошқарма ва туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимларида “mdo.ijro.uz” тизимидан фойдаланишни тўлиқ йўлга қўйиш, тизим орқали ижро назоратини олиб борилишини таъминлаш бўйича топшириқ берилган.

Бугунги кунга қадар “mdo.ijro.uz” тизимиdan фойдаланиш Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Андижон вилояти ва Қашқадарё вилояти мактабгача таълим бошқармаларида ҳамда мазкур худуддаги туман(шаҳар)ларда тўлиқ йўлга қўйилмаган.

Тизим орқали вазирликдан келиб тушган топшириқларни тезкорлик билан қабул қилиш, топшириқлар ижросини белгиланган вақтда таъминлаш ва тизим орқали вазирликка тақдим этишда мазкур худудлар қолоқликка йўл қўйилмоқда.

Тошкент вилояти мактабгача таълим бошқармасида охирги ойларда ижро интизомини самарали ташкил этиш бўйича қатор камчиликлар кузатилди.

Бундан ташқари, вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти хужжатлари ва топшириқларининг ижросини ўз вақтида таъминланиши ҳамда “app.ijro.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимига тўғри киритилиши бўйича назоратни кучайтириш ва масъул ходимлар масъулиятини ошириш лозим.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 апрелдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тузилмасини мақбуллаштириш ва штат бирликлари сонини

қисқартириш тўғрисида”ги ПҚ-5053-сон қарорида белгиланган вазифалар ижроси.

2020 йил 29 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида кўпгина вазирлик ва идоралар фаолиятида қарор қабул қилиш ҳаддан ташқари марказлашганлиги, уларнинг вазифалари аниқ ва тўлиқ белгиланмагани сабабли фаолиятларида бир-бирини такрорлаш ҳолатлари мавжудлиги сабаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси олдига давлат бошқарувি идоралари фаолиятини тубдан такомиллаштириш, бир-бирини такрорлайдиган идоралар, функциялар ва бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича топшириқ қўйилган эди.

Бунда давлат бошқаруви ходимлари сонини ўртача 15 фоизгача оптималлаштиришни назарда тутилган.

Мазкур йўналишда 2021 йил 3 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тузилмасини мақбуллаштириш ва штат бирликлари сонини қисқартириш тўғрисида”ги ПҚ-5053-сон қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Мактабгача таълим вазирининг 2021 йил 7 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, унинг ҳудудий бўлинмалари тузилмасини мақбуллаштириш ва штат бирликлари сонини қисқартириш тўғрисида”ги 55-сон буйруғи қабул қилиниб, мактабгача таълим вазири раҳбарлигига Мактабгача таълим вазирлиги тизимида бошқарув ходимлари сонини мақбуллаштириш бўйича комиссия ташкил этилди.

Вазирлик марказий аппарати, ҳудудий бўлинмалар ва идоравий бўйсунувдаги ташкилотлар ходимлари сонини мақбуллаштириш бўйича мазкур қарордан келиб чиқиб 2021 йил 1 майдан бошлаб мактабгача таълим тизимида мавжуд бошқарув ходимлари штат бирлиги 15 фоизга – 349 та штат бирлиги қисқартирилиши белгиланди.

Вазирлик марказий аппаратда 142 тадан 8 тага, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимларидаги штат бирликлари сони 341 тага қисқартириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Мактабгача таълим тизимида штат бирликлари қисқартирилаётган ходимлар билан муносабатларда меҳнат қонунчилиги талабларига қатъий амал қилиш ҳамда ходимларнинг меҳнат ҳукуқлари бузилишига йўл қўйилмаслигини таъминлаш ҳамда функционал мажбуриятларнинг қайта тақсимланишини ҳисобга олган ҳолда ходимларининг лавозим йўриқномаларини қайта кўриб чиқиш ва тасдиқлаш лозим.

Шунингдек, штат жадвалларини Қарор билан белгиланган бошқарув ходимларининг чекланган сонига ва ёрдамчи ходимлар сонининг белгиланган

меъёрларига мувофиқ ўрнатилган тартибда қайта ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва Молия вазирлиги ҳамда унинг тегишли худудий бўлинмаларида рўйхатдан ўтказиш ишларини жадаллаштириш лозим.

Мактабгача таълим вазирлигида қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда тизимдаги раҳбар ва ходимлар масъулиятини янада ошириш ҳамда Мактабгача таълим вазирлиги, унинг худудий бўлинмалари тузилмасини мақбуллаштириш ва штат бирликлари сонини қисқартириш бўйича ишларни белгиланган талаблар асосида ташкил этиш мақсадида, **Ҳайъат йиғилиши қарор қилади:**

26. Назорат-таҳлил бошқармаси бошлиғи Л.Бердиеванинг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6166-сон фармонида белгиланган вазифалар ижроси” ҳақидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин;

Кадрлар бошқармаси бошлиғининг Б.Мадрахимовининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 апрелдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тузилмасини мақбуллаштириш ва штат бирликлари сонини қисқартириш тўғрисида”ги ПҚ-5053-сон қарорида белгиланган вазифалар ижроси” ҳақидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

27. “app.ijgo.uz” тизимида Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқлари ижросини таъминлашда сусткашликка йўл қўйганликлари учун “Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжинииринг компанияси” ДУК директори К.Хадиев ва “Ихтисослашган лойиҳа-изланиш институти” ДУК директори О.Тиллаходжаевларга **ҳайфсан** интизомий жазо чораси қўлланилганлиги **кўрсатиб ўтилсин.**

28. Назорат-таҳлил бошқармаси (Л.Бердиева) Юридик бошқарма (Х.Буриев) билан биргаликда:

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларининг ижро этилиши устидан тизимли мониторинг юритсин ҳамда назоратдаги топшириқлар, шу жумладан ўз муддатида бажарилмаган топшириқлар юзасидан тегишли таҳлилий материалларни тайёrlаган ҳолда уларни танқидий муҳокама қилиш ва зарур амалий чораларни кўриш учун вазир ўринbosарларига тақдим этиб борсин;

Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоят мактабгача таълим бошқармалари ҳамда идоравий мансуб ташкилотларида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлари ижроси юзасидан тизимли ўрганишлар ўтказсин ҳамда натижалари бўйича вазирликнинг кенгайтирилган **йиғилишларида** муҳокама қилиш учун белгиланган тартибда таҳлилий маълумотларни тайёrlасин.

29. Назорат-тахлил бошқармаси (Л.Бердиева)га:

вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари томонидан 2021 йилнинг май ойида ижроси таъминланиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг **14 та топшириқлари бўйича қатъий назорат ўрнатиш**;

топшириқлар ижро ҳолати бўйича маълумотларни **ҳар ҳафтанинг жума куни** вазирнинг биринчи ўринbosари хузурида, **ҳар ҳафтанинг душанба куни** вазир хузуридаги муҳокамаларга киритиб бориш;

топшириқлар ижроси бўйича вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари томонидан тақдим этилган асосланган маълумотларни **бир кун муддатда** “app.ijro.uz” тизимига киритилишини таъминлаш ҳамда Адлия вазирлиги ва Ҳисоб Палатасига топшириқни назоратдан олиш бўйича мурожаат қилиш;

худудий мактабгача таълим бошқармалари томонидан ижро интизоми бўйича мутахассис лавозимига келишиш учун тақдим этиладиган номзодларни кўриб чиқиш, сұхбатдан ўтказиш ва хулоса бериш;

бир ой муддатда ижро интизоми бўйича мутахассислар учун Мактабгача таълим вазирлигига ҳафталик стажировкаларни ташкил қилиш бўйича режа-график ишлаб чиқиш;

стажировкаларга жалб этилган ходимларга иш юритиш, ижро интизомини таъминлаш, ҳужжатлар ва мурожаатлар билан ишлаш бўйича норматив-хуқуқий ҳужжатлар нусхалари ҳамда вазирлик марказий аппаратида амалдаги тизим доирасида фойдаланилаётган материаллар намуналарини тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

30. Вазирлик марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарлари:

Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқлари ижросини белгиланган муддатларда, сифатли ижро этилишини таъминласин;

топшириқлар ижроси бўйича маълумотларни асослантирувчи ҳужжатлари билан биргаликда “app.ijro.uz” тизимида белгиланган муддатдан энг камида бир кун олдин Назорат-тахлил бошқармасига тақдим этиб борсин;

норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Юридик бошқарма (Х.Буриев) билан ҳамкорликда пухта ва сифатли ишлаб чиқиб, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда белгиланган муддатларда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

31. Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазири, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари бошлиқларига:

мактабгача таълим бошқармалари ва барча туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимларида “mdo.ijro.uz” тизимидан тўлиқ фойдаланишини йўлга қўйиш;

бошқарма ва бўлимларга келиб тушган барча хат ва ҳужжатларни “mdo.ijro.uz” орқали назоратга олиш, улар бўйича аниқ ижрочилар, муддатлар ва бажариш механизмлари кўрсатилган топшириқлар тайёрланишини ҳамда уларнинг ижрочиларга етказилишини таъминлаш;

юқори ташкилотлар ва вазирлик топшириқларнинг ўз вақтида бажарилиши юзасидан тизимли назоратни ташкил этиш ҳамда чукур таҳлиллар асосида мониторингини олиб бориш;

хужжатлар ва топшириқлар бажарилишининг ҳар ҳафталик таҳлилларини амалга ошириш, ижроси кечикаётган топшириқлар бўйича муҳокамалар ўtkазиш ва кечикиш сабабларини аниqlаш ҳамда уларни бартараф қилиш юзасидан зарур чоралар кўриш;

ижро интизоми бўйича мутахассис лавозимига номзодларни келишиш учун вазирlikning Назорат-таҳлил бошқармасига тақдим этиш;

Мактабгача таълим вазирлигида ташкил этиладиган ҳафталик стажировкаларга ижро интизоми бўйича мутахассисларни жалб этиш бўйича барча зарур чораларни кўриш;

туман (шаҳар) мактабгача таълим бўлимлари ва мактабгача таълим ташкилотларида ижро интизоми ҳолатини мақсадли ўрганиш ишларини тизимли равишда амалга ошириб бориш, уларга амалий ёрдам кўrsatiш ва аниqlangan камчиликларни кенгайтирилган йиғилишларда муҳокама қилиш вазифалари юклатилсин.

32. Кадрлар бошқармаси (Б.Мадрахимов)га вазирлик Касаба уюшмаси (Л.Бердиева) билан биргаликда:

штат бирликлари қисқартирилаётган ходимлар билан муносабатларда меҳнат қонунчилиги талабларига қатъий амал қилиниши ҳамда ходимларнинг меҳнат ҳукуклари бузилишига йўл қўйилмаслигини таъминлаш;

вазирлик марказий аппаратининг қисқартириладиган бошқарув ходимлари лавозимларида ишлаётган ходимларга уларни ишдан бўшатиш ҳақида имзолари билан тасдиқланган ҳолда огоҳлантириш эълон қилиш;

тегишли штат бирликлари қисқартирилиши муносабати билан ишдан бўшайдиган ходимлар билан амалдаги меҳнат қонунчилиги асосида ҳисобкитоб қилиш;

штат бирликларини мақбуллаштириш натижасида функционал мажбуриятларнинг қайта тақсимланишини ҳисобга олиб, **2021 йил 1 майга қадар** бошқарув ходимларининг лавозим йўриқномаларини қайта кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муnobatlari вазирлиги ҳамда Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси билан ҳамкорликда тегишли штат бирликлари қисқартирилган ходимларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш чораларини кўриш вазифалари юклатилсин.

33. Молиявий-иқтисодий ривожланишни режалаштириш бошқармаси (Ш.Пардаев), Кадрлар бошқармаси (Б.Мадрахимов) **2021 йил 15 майга қадар:**

вазирлик ва унинг худудий бўлинмалари штат жадвалларини Қарор билан белгиланган бошқарув ходимларининг чекланган сонига ва ёрдамчи ходимлар сонининг белгиланган меъёрларига мувофиқ ўрнатилган тартибда қайта ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва Молия вазирлиги ҳамда унинг тегишли худудий бўлинмаларида рўйхатдан ўтказиш;

тегишли штат бирликлари сонини қисқартириш, штатлар жадвалини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш, ишдан бўшаётган ходимларни бошқа ишга жойлаштириш бўйича худудий бўлинмаларга методик ва амалий ёрдам бериш чораларини кўрсин.

34. Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари, туман (شاҳар) мактабгача таълим бўлимларига:

тегишли штат бирликларининг қисқариши муносабати билан ишдан бўшайдиган ходимлар билан амалдаги меҳнат қонунчилиги асосида ҳисобкитоб қилиш;

бир ҳафта муддатда бошқарув ходимларининг лавозим йўриқномаларини қайта кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;

уч кун муддатда худудий бўлинмаларнинг штатлар жадвалини қайта ишлаб чиқиб, тасдиқлаш ва молия органларидан рўйхатдан ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат мунобатлари вазирлигининг ҳамда Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба ўюшмасининг худудий бўлинмалари билан ҳамкорликда тегишли штат бирликлари қисқартирилган ходимларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш чораларини кўриш вазифалари юклатилсин.

35. Кадрлар бошқармаси (Б.Мадрахимов), Ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бошқармаси (А.Джураев) билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва тегишли вазирликлар томонидан ишлаб чиқилган таклифлар асосида қабул қилинган норматив-ҳукукий ҳужжат асосида ахборот-коммуникация технологияларини фаол қўллаш орқали мактабгача таълим тизимида энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ) асосида баҳолашнинг замонавий усулларини жорий этилишини таъминласин.

36. Қорақалпоғистон Республикаси мактабгача таълим вазири, Тошкент шаҳар мактабгача таълим бош бошқармаси ва вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари бошликлари ҳамда идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари ҳайъат йиғилишида кўтарилган масалалар ва белгиланган вазифалари ижросини таъминлаш мақсадида ўз йиғилишларини ўтказсинлар ва натижаси юзасидан **бир ой муддатда** вазирликка ҳисботларни тақдим этсинлар.

37. Мазкур Ҳайъат қарори ижросини назорат қилиш тегишли йұналишлар бүйича вазир ўринбосарлари зиммасига юклатилсін.

Ҳайъат раиси,

Мактабгача таълим вазири



A handwritten signature in blue ink, appearing to read "Весенев" (Vesenev).

A.B.Шин